

## 8-СИНФ БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА РАҚАМЛИ ДИДАКТИКА ТАЯНЧ ХАРАКАТЛАНИШ СИСТЕМАСИНИ ХАРИТАЛАШ АСОСИДА ТУШУНТИРИШ

Имомова Мадина

ЎЗПИТИ 1-босқич таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10982752>

Ҳозирги фан техника ривожланган даврда замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият куникма ва малакаларини шакллантириш, фаолиятни назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда. Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулохазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчи ўқувчида мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган бир қатор ўқув фанлари бўйича муайян мавзуларни ўрганишда интерфаол методлардан фойдаланишга доир мисоллар келтиришган.

Хар бир метод ҳамма мавзунини тушунтириб бериш учун ҳам мос келмайди масалан, мавзулар ҳақида кўпроқ илм олишда ёшига етган ўқувчиларга ўйин усулларини қўллаш яхши натижа беради деб ўйламайман. Дарс жараёнида кўргазмалар воситалар билан бирга, матн шаклда берилган янги мавзунини олдиндан тайёрланган, хариталанган шаклини видео проекторда ёки АКТ дан фойдаланиш имкони етарли бўлмаса қоғоз вариантини тайёрлаб ўқувчиларга тарқатиш орқали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мен ўз илмий ишимда янги мавзунини тушунтиришда хариталаш методини таклиф қилмоқчиман.

Биз қўйида 8-синф биология фанидан бир мавзунини интерфаол ва ўзим таклиф қиладиган янги мавзунини тушунтиришдаги хариталашга мослаб кўрсатиб бермоқчиман.

### **Дарснинг технологик харитаси**

**Мавзу:**Таянч-харакатланиш системаси

**Дарснинг вақти:**45

**Дарснинг тури:**Маруза

**Дарснинг режаси:**

- 1.Таянч харакатланиш системасини нималар ташкил этади.
- 2.Одам танасини скелетини ташкил қиладиган суяк шакллари.
- 3.Одам скелети қандай гуруҳларга бўлиб ўрганилади.

**Дарсинг мақсади:**

1. Таълимий
2. Тарбиявий
3. Ривожлантирувчи

**Таълимий мақсади-** Мавзуга оид билимларни узлаштириш

**Тарбиявий мақсади-** Саломатликни мустахкамлаш инсон организмини чиниктириш, жисмоний ва экологик тарбияни ривожлантириш.

**Ривожлантирувчи мақсади-** Соғлиққа бўлган эътиборини ривожлантириш.

**1.Ташкилий қисм:** 5 минут-йўқлама, тозалик

**2.Мотиватсия** (ўтган дарсни такрорлаш) :10 минут

**Метод:** Т схема Секретсия безлари(Бу методда гармонларни аҳамияти ва камчиликларини (қасалликларини) инсон ҳаётидаги вазифасини ёритади)


Афзаллиги	Камчилик
Самататироп-ўсишни, ривожланиш	Етишмаса-паканалик, ортиб кетса-акромегалия
Тироксин-нерв системаси функциясини нормал бўлишини	Гипатиреоз-ақлий заифлик, эндемик буқоқ, тиреоксикоз-кўп ишлаб чиқариш
Мелатонин-пигмент алмашинуви	Йетишмаса-тери, соч, киприк оқ бўлади
Вазопрессин-сув алмашинуви бошқаради	Қандсиз диабет қасаллиги келиб чиқади
Паратиреоидин-калсий-фосфор алмашинувини таминлайди	Қовоқ, лаб пирпираб учади, қўллар қалтирайди

Ўтган дарсни такрорлашда ўқувчилар Т схемаси методи ёрдамида 20 та ўқувчидан 70 % ўтган дарсни ўзлаштиради.

**3.Асосий қисм** (Янги мавзу баёни) :15 минутда мавзунини харита шаклда тушунтириш.

**Таянч-ҳаракатланиш системаси.**

- 1.Суяк
- 2.Мускул
- 3.Нерв



Шу тарзда тайёрланган қўлланма ўқувчиларга тарқатма материал қилиб тарқатилганда, слайд ёки презентатсия ҳолатида, дафтарларига кўчириб олишда рангли ручкалардан фойдаланиш каби усуллар эслаб қолишни янада такомиллаштиради. Қуйида яна одам организмидаги суякларнинг жойлашиши ва уларнинг сони тасвирланган жадвал бўлиб, бу жадвални замонавий мессенжерлар орқали ўқувчиларга етказиб бериш уларга қўшимча маълумот булиши мумкин.

Дарс мавзулари инсон организми ҳақида бўлганлиги сабабли, мавзу харита шаклида тушунтирилгандан сўнг, ҳар бир ўқувчи ўзларида мавжуд бўлган материалдан пластилин, рангли қоғоз, листдан фойдаланиб суякларни яшаш топширилади, бу маълум даражада амалий дарс ҳам бўлади. Бу эса ўқувчини эса сақлаб қолиш қобилиятини мукаммаллаштиради.

Одам скелети							
Бош суяги 23		Тана скелети-58		Кул суяклари-64		Оёк суяклари-64	
Мия кутиси суяклари 1-8 та	Юз суяклари-15та	Умуртка погонаси суяклар и-33 та	Кўкрак кафаси суяклари-25та 12та ковурга	Елка камари суяклар и-4 та	Кулнинг эркин суяклари -60 та	Оёк камар и-1 та	Оёкнинг эркин суяклари -60 та
Пешона-1та	Юқори жағ-2та	Бўйин-7та	Қавурға-24та	Курак-1жуфт	Йелка-1жуфт	Чаноқ-1та	Сон суяги-1жуфт
Тепа-2та	Ёноқ-2та	Кўкрак-12та	Кўкрак кафаси-12та	Ўмров-1жуфт	Билак-2жуфт		Болдир-2жуфт
Чакка-2та	Бурун-2та	Бел-5та	Тўш-1та (3-та даста, тана, қиличсимон)		Кафт усти-8жуфт		Тизза қоққоғи-1жуфт
Энса-1та	Кўзёш-2та	Думғаза-5та			Кафт суяклари -5жуфт		Товон -7жуфт
Асосий-1та	Пастки бурун чаноғи-2та	Дум-4-5та			Бармоқ суяклари -14 жуфт		Оёқ кафти-5жуфт
Ғалвир симон-1та	Танглай-2та						Бармоқ суяклари -14жуфт
	Пастки жағ-1та						
	Димоғ-1та						
	Тил ости-1та						

**4.Мустаҳамлаш:** “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ . Янги мавзудан ҳар бир ўқувчига савол берилиб, мавзуни қай даражада ўзлаштирганлигини аниқланади. Савол-жавоб асносида янги мавзуни қай даражада ўзлаштирганлигини, қайси қисмини Мотиватсия (ўтган дарсни такрорлаш) кераклигини ўқитувчи ўзи учун билиб олади. Ўқувчилардан олган жавобига қараб кўпроқ информатсия бера оладиган методдан фойдаланади.

**5.Ҳуний қисм:** 5-минут баҳолайди. Уйга вазифа ҳар бир ўқувчини кўлига олдиндан чиқариб олинган мавзулаштирилган тестлардан ўқитувчи белгилаб беради. Айнан мавзуга оидини, ўқувчилар мустақил ечиб келадилар.

## REFERENCES

1. Букатов В.М., Ершова А.П. Нескучные уроки. Обстоятельное изложение игровых технологий обучения школьников / Пособие для учителей физики, математики, географии, биологии. - Петрозаводск: ПГПИ, 2008. - 18В с.
2. Букатов В.М. Педагогические тайнства дидактических игр / 2-е изд., испр. и доп. - Москва: Центр инноваций и развития, 2003. — 152 с.
3. Панина Т. С., Вавилова Л.Н. Современные способы активизации обучения / Учебное пособие. Под ред. Т.С.Паниной. - 4-е изд., стер. - Москва: Издательский центр “Академия”, 2008. - 176 с.
4. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии. Активное обучение / Учебное пособие. - Москва: Издательский центр “Академия”, 2009. - 192 с.
5. Психолого-педагогическое сопровождение реализации инновационных образовательных программ / Под ред. Ю.П.Зинченко, И.А.Володарской. - Москва: Изд-во МГУ, 2007. - 120 с.
6. Ситуационный анализ или анатомия Кейс-метода / Под ред. Ю.П.Сурмина. - Киев: Центр инноваций и развития, 2002. - 286 с.
7. Современные образовательные технологии / Учебное пособие. Под ред. Н.В.Бордовской. - 2-е изд., стер. - Москва: КНОРУС, 2011. - 432 с.
8. Ступина С.Б. Технологии интерактивного обучения в высшей школе / Учебно-метод. пособие. - Саратов: Издательский центр “Наука”, 2009. - 52 с.
9. Толипов У Д., Усмонбоева М. Педагогик технология асослари // “Мактаб ва хаёт” журналига илова. - Тошкент: УзПФИТИ, 2003. - 32 б.
10. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. - Тошкент: Фан, 2006. - 260 б.
11. Толипов У.К., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Тошкент: “Фан”, 2005. - 205 б.
12. Толипова Ж.О., Гофуров А.Т. Биология таълими технологиялари. - Т.: «Ўқитувчи», 2002.